

## МАЪНАВИЯТ - ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ

**Насимов Азизбек Азимович**

Самарқанд вилояти олий таълим,  
фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабр куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президент маънавият ва маданият соҳаларига эътибор бугунги кунимизда қанчалик зарур эканлигини таъкидлаб ўтди.

Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари шиддатли тус олгани, ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири мамлакатимизда ҳам сезилаётгани қайд этилди.

Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жаҳид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Маърифатпарвар боболар ғояларини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича Президент қарори қабул қилиниши белгиланди. Шунингдек, Бухородаги тарихий масканда Жаҳидлар мероси давлат музейи очилади, “Жаҳид” номли янги газета ташкил этилади

Сўнги йилларда маънавий-маърифий соҳаларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси ҳамда Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази тизимидаги ходимлар сони икки карра оширилди, уларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди.

“Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонун қабул қилингани соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва бойитиш мақсадида Мақом, Бахшичилик ва Аския санъати марказлари ташкил этилди. Шунингдек, “Баҳор” рақс ансамбли, Давлат филармонияси, Давлат симфоник оркестри каби 20 дан ортиқ муассасалар фаолияти йўлга қўйилди. 11 та янги музей, 2 та театр, 28 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 5 та олий таълим муассасаси ташкил этилди.

Умуман, маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми 2017-йилга нисбатан 5 карра ошиб, 2023-йилда бу мақсадлар учун 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

“Мақом”, “Бахшичилик”, Хунармандчилик, “Лазги” каби халқаро фестиваллар ан’анага айланди. 24 та хорижий мамлакатда, жумладан, кўшни давлатларда “Ўзбекистон маданияти кунлари” юқори савияда ўтказилди.

Кино санъатида ҳам янги асарлар пайдо бўляпти. Буюк саркарда ва улуғ алломалар ҳақида тарихий филмлар яратилди. Қарийб чорак асрдан кейин Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланди.

Пойтахтимизда Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг мухташам биноси, ҳудудларда янги ижод уйлари қурилди. Самарали ижод қилаётган адиблар имтиёзли асосда уй-жойлар билан таъминланди. Атоқли ижодкорларимизнинг таваллуд саналари нишонланди. Ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин семинари қайта тикланди.

Биринчи марта нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари”, 30 жилддан иборат “Мустақиллик даври навоийшунослиги”, “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”, “Мард аскарга совға” сингари адабий мажмуалар маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Йиғилишда бу соҳалар олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари 9 та йўналишда ўз фикрларини билдириб, муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Аввало, маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида ёшларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак кадрлашни баён қилган эди. “Она Ватанимизда **Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни **бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари** деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда, туб ислохотларни изчил амалга оширмоқдамиз”<sup>1</sup>. Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало, маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда бу борада қатор қарорлар қабул қилинди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент экани белгилаб қўйилган. Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига масъуллик ҳокимлар зиммасига юклатилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 26 декабрь.

Кейинги йилларда юртимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш бўйича қатор қарорлар қабул қилиниб, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш йўлида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. 2021 йилнинг 19 январида Президентимиз раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари “**Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир**” дея алоҳида таъкидлади.

Энди маънавият, тушунчасининг ўзи нима, деган масалани ёритишга ҳаракат қилиб кўрайлик. **Маънавият** (арабча, маъно, маънолар мажмуаси) – моддий ҳаёт билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган ижтимоий ҳодиса бўлиб, адабиёт, манбаларида унга куйидаги таъриф берилган. **Маънавият** – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезони; инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча<sup>2</sup>.

XIX аср охирларидан бошлаб дунёда материализм концепцияси, биз яқингача яшаб келган социалистик жамиятда эса унинг энг ашаддий шакли бўлган атеизм ҳукмронлик қилгани учун “маънавият” тушунчасининг мазмуни жуда тор талқин этилган ва мазмунан “руҳ” тушунчасига жуда яқин бўлгани учун деярли ишлатилмай келинган эди. Ваҳоланки, бу тушунчанинг теран маъно ва мазмунини тушунмасдан туриб, ўз ҳаётимизнинг маъносини излашга уринишимизда маъно йўқ.

“Маъно”, “маънавият” тушунчаларининг аслий, чуқур ва кенг мазмунини эслаш, қайта тиклаш ҳамда ўтмиш ва ёт мафқураларидан холис англаш йўлида республикамиз олимлари томонидан кўп изланишлар амалга оширилмоқда<sup>3</sup>”. “Ватан туйғуси” китобида, **маънавият – одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир**” деган таъриф берилган. Ҳақиқатан ҳам собиқ иттифоқ даврида маънавият масаласи эътибордан четда қолган эди. Ўша даврда уни яхлит ҳодиса сифатида талқин эта олмаслик бу тўғрида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини бермас эди. Янги даврга келиб маънавиятга эътибор кучайди, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш устувор вазифага айланди.

Маданият, маърифат ва маънавият зарбага учраб, халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлаверса, ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб кетади. Маънавият ва маърифатдан маҳрум халқ миллий жиҳатдан ўзини

<sup>2</sup> Фалсафа: Энциклопедик луғат. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. - 178-179-б.

<sup>3</sup> Булар қаторида дастлаб А.Эркаев, А.Иброҳимов, Ҳ. Султонов, Н.Жўраев, М.Имомназаров, Ш.Қаҳҳорова ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин.

англаб ололмайди, тақдирга тан бериб яшашни ўзига эп кўради. Масалан, чор Россиянинг Туркистонга нисбатан сиёсати мисолида буни кўриш мумкин. Чоризм генералларидан бири **М.Д.Скобелов “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маънавиятини, маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”**, деб башорат қилган эди. Айни ўша вақтда шундай ҳам бўлди.

Президентимиз алоҳида таъкидладикки, маънавиятнинг энг катта душмани лоқайдлик, бепарволик. Айнан лоқайдлик ва бепарволик бизнинг маънавий тарбиямизга жуда кўп камчиликларимизга сабаб бўлди. Хориждан кириб келаётган турли ёт ғояларга эргашиш, уларнинг турмуш тарзига, ўзини тутиш, сўзлашиш хусусиятларига кўр-кўрона таҳдид қилиш бошландики, бу орқали ўзимизнинг миллий қадриятларимиздан, маданий илдизларимиздан секин-аста йироқлашиб бордик. Ваҳоланки, биз айнан ўзимизнинг қадриятларимизни такомиллаштириш, кучайтириш, тўлқонли тиклаш йўлидан борибгина миллий ўзлгимизни сақлашимиз мумкин.

Шу маънода, маънавият ҳар биримизнинг ҳаётимизда ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Президентимиз мана шу масалаларга эътибор қаратиб, унинг амалий жиҳатдан фаолият йўналишларини кўрсатиб берди. Қачонки, ватанпарварлик туйғуси билан қалбларимизни мунаввар этсаккина, ўзимиз фаолият юритаётган соҳада самарали натижаларга эришишимиз мумкин. Давлатимиз раҳбари ҳар биримизда ватанпарварлик туйғусининг бевосита профессионал касб билан уйғун бир ҳодиса бўлиши кераклигини, шундагина халқ манфаатлари ҳар қандай манфаатлардан биринчи ўринга чиқишини таъкидлаб ўтдилар.

Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари **лоқайдлик ва бепарволик** энг катта хавф эканини, бугун учраётган ижтимоий муаммоларни камайтириш учун нурунийлар тарбияси, жамоатчилик назорати етишмаётганини таъкидлади.

Йиғилишда қайд этилганидек, ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизнинг маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилгани учун ҳам кутилган натижани бермаяпти. Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиб, фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги айтилди. Президентимиз ушбу марказнинг **“Маънавият тарғиботчиси”** ўқув муассасаси негизда **Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини** ташкил этиш таклифини билдирди<sup>4</sup>.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жамиятда адабиёт ва китобхонликни янада ривожлантириш мақсадида **“Ижод”** жамоат фонди негизда **Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш**

<sup>4</sup> Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. // “Халқ сўзи”, 2021 йил 20 январь.

**фонди ташкил этилиши** қайд этилди. Бу жамғармага 120 миллиард сўм ажратилиб, маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини самарали амалга ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш учун сарфланади. Бу маблағнинг 90 миллиард сўми ҳудудларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга, 20 миллиард сўми Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 10 миллиард сўми мамлакат миқёсида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил қилишга йўналтирилади.

Табиийки, глобаллашув шароитида бундай таҳликали вазиятда ёшларни маънавий-маърифий тарбиялаш, уларни китобга қайтариш, мутолаа маданиятини манзилли қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш энг асосий масала ҳисобланади. Чунки баркамол авлодни вояга етказишда китобнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Айнан мутолаа инсонга билим беради, дунёқарашини кенгайтиради, фикрлашни ўргатади, маънавий оламини бойитиб, имон-этиқодини кучайтиради. Шу жиҳатдан, бугун бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш ҳаётини заруратдир. Қолаверса, кутубхоналарда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган адабий асарлар сонини кучайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, Янги Ўзбекистон – миллий траққиётнинг омили боби бўйича хулосага келиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мактабгача, ўрта, умумий ўрта таълим, илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланиши ғояси чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек, олий таълим – етук кадрлар маскани, илм-фан ва инновация – мамлакат тараққиётини белгиловчи муҳим омили эканлиги, ёшлар билан ишлашнинг устувор йўналишлари, тириклик ҳикмати соғлиқда устувор вазифалар ҳақида теран фикрлар баён этилди. Учинчи Уйғониш даврининг драйверлари, хотин-қизлар – жамиятнинг кўрки ва зийнати ижтимоий-маънавий қарашлари устувор парадигмалари баён этилди. Олий таълим – маънавият ва маърифат масканида “агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавият эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

### **Янгича тафаккур – маънавий юксалиш**

Ривожланиш қонунияти шундайки, дунё доимо янгиланиб боради. Бугунги дунё ҳам янгиланмоқда ва ўзгармоқда. Ўзгарувчанлик бугунги дунёнинг ҳам ўзига ҳос жиҳати. Ўзбекистон учун ҳам шундай. Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва кадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аجدодларимиз бизга қолдирган

миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий рух билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир. Ҳаётга янгича қараш бошланди. Сабаби олдинги ягона, моддийлик фалсафаси таянган тамойиллар демократик ғоялар, қарашлар ранг-баранглиги инсон ҳақ-ҳуқуқи, эркин жамият ривожига тўғри эмаслиги билан боғлиқ. Янгича фалсафанинг жамият ҳаёти соҳалари билан боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, мафкуравий жиҳатлари мавжуд. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий негизини, бозор муносабатларига асосланган мулкнинг хилма-хиллиги ташкил этилиши билан боғлиқ.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётга муносабат ҳам янгича асосга қўйилганлигини кўрамыз. Эндиликда дунёда жамият ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳар қандай мамлакат учун бир хилда мақбул бўлган ҳаммабоп йўллар йўқлиги равшан бўлиб қолди.

Бугун Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланиши асосий қонунимизда ўз ифодасини топган. Бу янги ғояларсиз янгиланаётган фалсафани тасаввур эта олмаймиз. “Инсон ҳамма нарсанинг ўлчови” деган қадимий ғоя мезонига таянмасдан янгича дунёни ҳам, янгича фалсафани ҳам англаш мумкин эмас. **Тафаккур** – объектив олам инъикосининг олий шакли, объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни. Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунча, ҳукм, хулосалар шаклида ифодаланади. Тафаккур кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида пайдо бўлади. Тафаккур ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлиб, у барча ижтимоий ҳодисалар каби тафаккур услуби ҳам ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади. У ишлаб чиқариш усули, жамият ижтимоий таркиби, мафкуравий қарашлар ва бошқа ижтимоий муносабатларга бевосита боғлиқдир. Тафаккур меҳнат ва нутқ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуддир. Шу сабаб инсон тафаккури нутқ билан жуда маҳкам боғланган ҳолда амалга ошади ва унинг натижалари тилда қайд қилинади. Тафаккур жараёнининг натижаси ҳамиша бирон-бир фикрдан иборат бўлади.

Дунёнинг янгиланиши ўзгараётган инсон тафаккури, дунёқарашининг ўзига хос кўриниши, мезони, намоён бўлишидир. Инсон онги ва тафаккри ўзгариши билан ҳаёт ҳам ўзгармоқда. Бугунги ҳаётнинг ўзгариши онг ва тафаккуримизнинг қандай ўзгараётганлигига боғлиқлиги тобора равшан бўлиб қолди.

Бугун ўз ҳаётига, тақдирига, мамлакатада кечаётган жараёнларга, унга бўлган ўзаро муносабатларга бефарқ бўлмаган ҳар бир киши бу ўзгаришларни англайди. Чунки, инсон ҳаётга фақат кузатиш учун эмас, фаолият учун келади. Фаолият, фаоллик бор жойда ўзгариш, таққослаш, ютуқ ва муаммоларни кўриш

бор. Ютуқларни янада ошириш, муаммоларни бартараф этиш тўғрисида ўйлаш бор. Демак, Ўзбекистон, унинг келажаги тўғрисида қайғуриш, Ватаннинг қисматини ўз қисмати деб билиш мавжуд. Бу эса унда ҳақиқий фуқаролик туйғуси мужассамлигини, бурч ва масъулиятни англаш ҳиссининг борлигини билдиради.

**Тафаккур** – бу дунёқараш. Тафаккур бу – ҳақиқатни билишдир. Ҳикмат илми эгаларининг бу фикрларига таянишда, асос бор. Чунки инсон, сиз ва биз яшаётган дунёнинг бош бўғинини ташкил этади. У инсон борлиғи билан, унинг барча мукамалликлари, ютуқ ва онгсизлик хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори, интилиш ва манфаатларининг ранг-баранглигидан иборат. Дунёнинг янгилашиши, ташвишли суронлари-ю, ютуқларини ҳам инсонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, инсоннинг маънавий борлиғи қандай бўлса, ҳаёт ҳам шундай, бир-бирини тўлдириб, давом этиб келганлигини кузатамиз.

Ҳаёт фалсафий онг, тафаккур, қараш ва ёндашувлар қандай бўлса, шундай бўлган. Бу дегани, инсон онги ва тафаккурида, дунёқарашида, тасаввурларида, фаолиятида қандай ғоя, фикр, қарашлар устувор бўлган бўлса, унинг манзараси ҳам шундай. Инсонлар дунёқарашида эзгулик ғоялари устувор бўлганда, яъни инсон дунёга эзгулик кўзи билан қараб, адолат ва маърифат, тафаккур ва ақл билан иш кўрганда, ҳаёт гўзаллашган, фаровонлашган, тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик устунлик қилган. Инсон хоҳиш-иродаси, истаклари, онг ва тафаккурини “бошқариш”га жазм қилиниб, эркинликдан маҳрум бўлинганда эса дунёни жоҳиллик, адолатсизлик эгаллаган. Бунга “жоҳиллик дунёси”нинг кўриниши деб ҳам қараш мумкин<sup>5</sup>.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов ҳаётга бир томонлама қарашни ҳам айрим соҳаларни мутлақлаштиришни ҳам, жамият ривожига формацион қараш, жамиятни синфларга ажратиб ёндашишни ҳам нотўғри, ноилмий эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Бироқ Ўзбекистонда мустабид тузум даврида фалсафа ўзининг туб маъно-моҳиятини йўқотган, ўта мафкуралаштирилиб “юборилган” “коммунистик фалсафа” ва дунёга фақат материализм кўзи билан қараган.

Бугун “моддий борлик фалсафаси” ўрнида янги фалсафа, дунёга инсон борлигини ҳисобга олиб ёндашадиган “инсон фалсафаси” шаклланмоқда. Бу фалсафа инсоннинг маънавий борлиғисиз дунёнинг мукамаллигини тасаввур эта олмайди. Инсоннинг руҳий-маънавий, амалий эҳтиёжлари ва манфаатлари мажмуига яхлит ҳолда ёндашмасдан бу дунёнинг тўқис бўлиши, мукамал бўлиши мумкин эмас, деб қарайди. Ҳаётининг мукамал бўлишини истаган ҳар бир киши, аввало, ўзи маънан мукамал бўлиши, маънавиятни юқори, маънавий борлиғи, маънавий-руҳий олами комолотга етган ғоялар унинг борлиғида устувор бўлиши, шунга эришишга мойиллик бўлиши керак.

<sup>5</sup> Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т.: “Akademiya”, 2004. -8-9-бетлар.

Янгиланган фалсафа, иқтисод фақат “моддийликка эмас” маънавиятга ҳам асосланаётган фалсафий тафаккурдир. Чунки, инсоннинг борлиғи, унинг мавжудлиги, унинг руҳий-маънавий олами билан ўлчанади. Инсон борлигининг ўзига хослиги ҳам шунда.

Янгиланаётган Ўзбекистон инсонни ўз ўрнига қўймоқда. Инсонга инсон сифатида, энг олий кадрият сифатида қараш имкониятини бермоқда. Энди ундан фойдаланиш инсоннинг ўз қўлида.

Янгиланаётган тафаккурнинг, Ўзбекистон учун хос бўлган яна бир жиҳати шундаки, Ўзбекистон халқи бугун “ўз тақдирини ҳал этиш ҳуқуқисиз” яшаётгани йўқ. Аксинча, ўз тақдирини ўзи ҳал этмоқда. Бугун Ўзбекистонда ўзбек халқи менталитетига, миллий иқтисоди, табиатига ёт бўлган коммунистик ғоя ҳам партия диктатураси ҳам, ялпи давлат ҳукмронлиги-ю, ягона партия етакчиси ҳам йўқ. Бугун Ўзбекистоннинг иқтимоий-иқтисодий ҳаёти маъмурий буйруқбозлик вариантыдаги демократик тўсиқлардан озод бўлди. У бозор иқтисодиётига, мулкчиликнинг хилма-хиллигига асосланган ҳолда ривожланмоқда. Миллий маданиятига асосланган ҳолда ривожланмоқда. Ўз миллий-маънавий меросига, кадриятларига таянган ҳолда, ўз келажagini кўрмоқда. Бу ҳар бир инсон учун, унинг дунёқараши, салоҳияти учун янги имкониятлардир. Бозор муносабатлари табиий индивидуаллик билан жамоавийликни уйғун ҳолда намоён эта бошлади. Ўзбекистон халқи ўз миллий-маънавий негизлари асосида ўзлигини, дунёнинг ўзгаришларини англамоқда. Чунки, ҳар бир халқнинг маънавий дунёси унинг тарихий, маънавий ҳаёт йўлини ўзи ифода этмаса, ундан бегона бўлса, ўзига хос ва мос ривожланишнинг қонунига тўғри келмайди.

Ўзбекистон халқи ўз миллий-маънавий негизлари асосига қўйилган фалсафий тафаккурига асосланмоқда. Бу ўзига хос ва мос фикр, дунёқарашга эга бўлаётганлигидан далолатдир. Ўзбекистоннинг янги фалсафий тафаккури ўзига хос шундай улкан борлиқки, унда миллийлик билан умуминсонийлик, динийлик билан дунёвийлик, инсонийлик билан эзгулик, бунёдкорлик, индивидуаллик билан жамоавийлик уйғунлашиб кетган. Уни Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, А.Навоий, З.М.Бобурларнинг маънавий мероси орқали англаймиз ёки А.Авлоний, А.Қодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон каби маърифатпарварчилик намояндалари орқали кўрамыз.

Улар бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқишмади...улар ўт билан ўйнашаётганликларини, истибодга қарши курашаётганликлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Била туриб онгли равишда



мана шу йўлдан боришган. Чунки виждонлари, иймонлари шунга даъват этган”<sup>6</sup>

Воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлиши, амал қилиши билан боғлиқ қонуниятларни билиш ўта мураккаб. Инсон ақл-заковати ҳамма вақт ҳам тезда англаб олинолмайдиган жараён. Уни англаш учун ақл билан бирга, билим, тажриба, кузатиш, таққослаш талаб этилади. Бир қарашда тартибсиз бўлиб кўринган ҳар қандай ҳодиса, хатти-ҳаракат ёки фаолиятда ҳам уни шунга ундовчи тартибот, ички шарт-шароитлар, омиллар мажмуи уни юзага келтиради. Ана шу ҳодисаларни табиат ва жамиятда кузатиш ёки умуман жонли ёки жонсиз табиат муносабатида содир бўлиши айна пайтда ўзига хос ички ва ташқи боғланишнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу дунёнинг бир бутунлиги ва ранг-баранглигидан далолатдир. Ҳаёт ўзгарувчан ва ўз-ўзини ташкил этиб боради. Уни “ривожланиш”, “тараққиёт” тушунчалари ифода этади. Масалан, **ривожланиш** тушунчаси қайси соҳасида кузатилмасин ўзининг маъно-мазмунига эга. Ривожланишнинг ҳар қандай типидан ижобий, прогрессив сифатлар жамланиб боради. Бироқ айрим ҳолларда янги вужудга келган сифат прогрессив характерда бўлиши ҳам мумкин, шунга қарамасдан ривожланишда умумий прогрессив йўналиш сақланиб қолади. “Тараққиёт” тушунчасини нисбатан ёндашганда илгарилаб қиладиган ҳаракат, уни юксалишнинг устуворлиги билан боғлиқ деб қараш мумкин. “Тараққиёт” тушунчаси айрим йўқотишларни ҳам истисно этмайди. Унинг ички боғланишлари, тараққиётга ундаётган манбаи, куч-қуввати даражаси юқорилиги билан ажралиб туради<sup>7</sup>. Тараққиёт (араб – кўтарилиши, юксалиш, ривожланиш) – ривожланиш, такомиллашиб, оламдаги илгариланма ҳаракатни, объектлардаги сифатий ўзгаришларни, борликдаги янги шаклларнинг вужудга келишини ифодаловчи фалсафий категория. Тараққиёт ривожланишнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқorigа йўналиш шакли, унинг юксалиши. Тараққиётни кўпинча ривожланиш билан айнанлаштириб қўйишади, аслида у ривожланишнинг бир йўналишидир. Шунингдек, тараққиёт айрим адабиётларда фақат жамиятдаги ривожланиш маъносида қўллашади, бу ҳам бир ёқлама ёндашув. Тараққиёт фалсафий адабиётларда прогрессив ривожланиш тарзида қўлланилади. Ривожланиш кўпроқ фалсафий тушунча. Тараққиёт тушунчаси социал, иқтисодий, маданий, сиёсий жиҳатлар билан ҳам боғлиқ. Ривожланиш эса ҳам жонли, ҳам жонсиз табиатда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни ўзида ифодаловчи кенг маънога эга. Ривожланишни тайёр, тугал, изчил ҳолатда эмас, аксинча, давомийлик, тадрижийлик тарзида кўриш лозим. Ҳар бир нарса ва ҳодисада тугаллик ва тугалмаслик, изчиллик билан ноизчиллик, тартиблилик билан тартибсизлик ҳолатларини бир-биридан айти

<sup>6</sup> Унутилмас сиймолар. Жадидчилик ҳаракатининг намояндалари. Т.: Академия, 1999 й.

<sup>7</sup> Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т.: “Академия”, 2004. -12-13-бетлар.

ҳолда тасаввур этиш, ривожланиш мантиғига, қонуниятига тўғри келмайди. Уни иккига ажратиш орқали кўриш фалсафаси, бир томонлама “материалистик фалсафага” мойил. Бунинг оқибатини ўтмиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизда кўрдик. Масалан, жамиятдаги ўзгаришларни амалга оширишда инқилоб йўлини тан олиш оқибатида диалектикани бир томонлама кўриш, жамиятни иккига ажратиб тасаввур этиш “яхши ва ёмон”, “дўст ва душман”, “эзгулик ва ёвузлик”, “эзувчи ва эзилувчи”, “ҳукмрон ва тобеликни” ажратишга олиб келди. Материализм фалсафасининг хато ва чекланган жойидан бири ҳам шунда. У бутун, яхлит ҳолдаги воқеа ва ҳодисага хос бўлган икки жиҳатни ажратиб кўрди.

### **Тартибли ва тартибсизликнинг концептуал ғояси**

Тартибли кўринган нарсада тартибсизлик бор, айти пайтда, ички тартибга интилиш ҳаракатлари мавжуд. Бизнингча, тартибсиз кўринган фаолиятда уни ҳаракатга келтириб, турли хил кўринишда йўналтириб турган эҳтиёж, мақсад, манфаатлар мужассамлашган. Албатта, улар табиатга ўзининг ички қонуниятлари орқали ўз-ўзига тартибланиш, бир-бирига интилиш ва бир-биридан қочиш занжирида кечади. Ижтимоий ҳаётда ҳам бу ўзига хос қонуниятлар орқали намоён бўлади. Биз кўпроқ воқеанинг намоён бўлган, кўриниб турган ҳосиласи билан дуч келамиз. Унга қараб таъкидлаймиз, қайд этамиз. Мақсаднинг ички боғлиқликларини очиш, унинг моҳиятига етиш орқали маъно-мазмунини ёритиш муҳимроқ. Шунда биз ундаги уйғунликни идрок этамиз. Узвий боғлиқликни кузатамиз ва ҳолисона тасаввур, ҳулосага, билим, тажрибага эга бўлиб борамиз. Шарқ фалсафасида воқеа ва ҳодисаларга хос ана шу уйғунликни, барқарорлик, тадрижийликни ҳисобга олиш анъанаси азалдан мавжуд бўлган. Бугун фанда “синергетика” деб ном олган фалсафий оқим Шарқда аллақачон мавжуд бўлган. Унга амал қилиб келинган. У Шарқ тафаккури, дунёқарашида, воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатдаги ёндашув фалсафасининг мазмунини ифодалайди. **Синергетика** – ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг назарияси, янги дунёқарашдир, у ўз-ўзини ташкиллаштириш, ночизиқлик, глобал эволюция, “хаос орқали тартибланиш” феноменларининг ўрганиш бўйича тадқиқотлар билан боғланган бўлиб (И. Пригожин), бифуракцион ўзгаришлар, вақтнинг орқага қайтмаслиги, беқарорликнинг эволюцион жараёнларда асосий характеристика сифатида намоён бўлишини акс эттиради”<sup>8</sup>. Синергетика инқилоб йўлини, фалсафасини эътироф этмайди. Шунинг учун ҳам дунёга, ижтимоий-маънавий ҳодисаларга бағрикенглик билан қараш юксак инсонийлик, бамайлихотирлик, хотиржамлик ундаги саховат, раҳм-шавқат, меҳр-оқибат, андиша каби инсоний сифатларни ҳар бир инсонда мавжуд бўлиши ёки мавжудлигидан келиб чиқиб ёндашилган.

<sup>8</sup> Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. -Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2017. - 321-бет.

Хеч кимга шунчаки душман сифатида қаралмаган, ишонч билан қаралган. Инсонлар, гуруҳлар жамиятини иккига бўлиб қаралмаган. Хеч қачон душман қидирилмаган ёки атайлаб душман қилиб кўрсатилмаган. Инсонларни иккига ажратиш, “яхши ва ёмонга”, ”эзувчи ва эзилувчига”, “хукмрон ва тобега“ бўлиш, уларни бир-бирига “қарама-қарши” қўйишга асосланган материалистик фалсафа қанчалик мантиқсиз ва ижтимоий ҳаёт қонунларига зид бўлса, шунча ноинсоний ва уйғунлик ҳолатига зиддир. Шунинг учун ҳаётда ҳеч бир инсонга “мутлақо яхши” ёки “мутлақо ёмон” деб қараб бўлмайди. Яхши одамда айна пайтда айрим қусурлар бўлиши табиий бўлганидек, ривожланишни ҳам фақат бир чизиқли, фақат илгарилаб борувчи йўл сифатида тасаввур этиш нотўғри хулосалар беради. Ҳаётнинг ривожини турғунликни, депсинишларни инкор этмайди. Албатта, унинг ҳам ички сабаблари мавжуд бўлади ва инсонлар муайян ижтимоий гуруҳ ва қатламларни ташкил этувчи кучларнинг фаолиятдан, уларнинг ҳақиқатга қандай қараши билан боғлиқ бўлади.

Умуман, дунё мураккаб ва кўп қиррали. Унинг ранг-баранглиги таъминланиб, янгича фалсафага, тафаккурга, дунёқарашга таянган ҳолда, у умуминсоний мақсад ва манфаатларга хизмат қилган жойда, унинг яхлитлиги, гўзаллиги кафолатланади. Инсоннинг фалсафий дунёси бу ўзгаришларнинг ибтидоси, эзгуликнинг бошланиши, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш эса ана шу саъй-ҳаракатнинг ижобат бўлишига далолатдир. Истиқболни шундай кўриш орқалигина инсон эзгу ғоялар билан ошна бўлади ва унга интилади. Шавкат Мирзиёев асарларида инсон онги ва тафаккури, дунёқарашининг ижтимоий ҳаёт билан бўлган муносабатига тўғри, холисона ёндашилиб, янгича ёндашув ва фалсафий ғоя асосига қўйилаётгани, учинчи ренессансга пойдевор қўйилаётгани муҳим ютуғи деб қараш мумкин. Бунда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга фақат турмушдан, ижтимоий муҳитдан эмас, аксинча инсон онги ва тафаккури билан боғлиқ ҳолда қараш, яъни “онг ва тафаккур ўзгармаса ҳаёт ўзгармайди” деган муҳим концептуал ғоя яққол намоён бўлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев асарларида, Олий Мажлисга Муроҷжатномасида айнан ижтимоий ҳаётга қарашнинг янги концепциясини, унинг йўналишлари ва принципларини янгича асосда кўрамиз. Бугун Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётга қараш ўзгармоқда. Янгича фикр, ғоялар ҳаётимизга, онгимиз ва тафаккуримиз орқали сингиб бормоқда. Ўзбекистонда янгиланаётган янгича тафаккур тизими унинг далолатидир.